

РОССИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА ТУРКИСТОН ТАРИХИ

Жумаев У.Х.

ЎзДЖТСУ., Доцент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15556164>

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистон ўлкаси тарихини тадқиқ этишида Россия империяси томонидан ўлка бошқаруви учун қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунларнинг аҳамияти очиб берилади.

Калит сўзлар: Мустамлакачилик стратегияси ва амалиёти, ер-солиқ органлари, солиқ участкалари, эксплуатация, кредитлар, солиқ тизимининг амалиёти ва тизимлашуви, ер-солиқ идоралари, газначилик, Зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси.

Аннотация. В данной статье освещен роль и значимость законодательных актов царского правительства, юридически закрепляющие колониальное положение народов Туркестана.

Ключевые слова: Колониальная стратегия и практика, поземельно-податные органы, податные участки, эксплуатация, практика и систематика налоговой политики, кредиты, Управления земледелия и государственных имуществ.

Abstract. This article explains the importance of the normative and legal acts adopted by the Russian Empire for the study of the history of Turkestan.

Key words: Colonial strategy and practice, Land-tax bodies, tax sections, exploitation, credit, practice and systematization of tax policy, the administration of agriculture and government's property.

Туркистон ўлкаси тарихини ўрганишда қонунчилик ҳужжатларининг ўрни ўзига хос бўлиб, улар ўзининг келиб чиқиши ва хусусиятларига кўра турли-тумандир. Улар орасида меъёрий ҳужжатлар, яъни, Россия империяси ҳукумати томонидан қабул қилинган, Туркистон ўлкаси бошқаруви ва ундаги маъмурий ўзгаришлар билан боғлиқ қонун ва ҳужжатлар тўпламларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг манбавийлик қиммати шундаки, уларда тадқиқ этилаётган даврга хос Туркистонни маъмурий бошқариш эволюцияси ва маҳаллий халқнинг ҳуқуқий ҳолатини кузатиш мумкин. Петербургдан туриб бошқариладиган Туркистон мустамлакачилик аппарати бундай тўпламларга доимо эҳтиёж сезган. Бунга мисол қилиб “Туркистон ўлкасининг тузилиши ва қишлоқ мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳақидаги кўрсатма”ни¹, 1892 йилда чоп этилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”ни ва унинг 1906, 1908, 1909 йиллардаги

*Жумаев У.Х. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти.

¹ Инструкция о правах, обязанностях и круге действий сельских должностных лиц и установлений Туркестанского края. – СПб., 1888.

кўшимчаларини, шунингдек, 1911 йилнинг 1 июнига қадар ҳукуматнинг қабул қилган қонун ҳамда фармонларини² ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган биринчи ҳуқуқий ҳужжатнинг номи шундан гувоҳлик берадики, бу ҳужжатлар тўплами қонунлар тўпламига кирмаган бўлса-да, бироқ маҳаллий ҳукуматдан уларга риоя қилишини ва тезкор чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Иккинчи ҳуқуқий ҳужжат эса, йигирма йил давомида ўлкада юз берган ўзгаришлар натижасида жорий этилган. Илмий тадқиқотда қўйилган вазифаларни бажаришда бу қонунчилик ҳужжатлари жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини қайд этиш жоиз.

Расмий ҳужжатларнинг алоҳида бир гуруҳини мустамлакадаги ҳар бир амалдорнинг хизмат ёки формуляр рўйхатлари ташкил қилади. Унда амалдорнинг исми-шарифи, фамилияси, ёши, диний эътиқоди, ижтимоий табақаси, маълумоти, кўчмас мулкларининг ҳисоби, маоши, унвонлари, Туркистонга келишдан олдин ишлаган хизмат жойи, нима сабабдан ва қаерга кетганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Формуляр рўйхатлар ишончли манбалардан ҳисобланади, чунки уларга мавҳум маълумотлар киритилмаган. Маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда уларни тўлдириш учун маълумотнома нашрларга ҳам мурожаат этилган³.

Расмий иш юритишга оид манбаларнинг ажралмас бир қисмига Туркистон маъмурияти маҳкамасининг юқори мансабдаги амалдорлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам киради⁴. Ҳисоботлар таҳлили уларнинг барчаси аниқ схема бўйича тузилганлигидан гувоҳлик беради. Уларда халқ ҳўжалигининг аҳволи ва аҳолининг иқтисодий фаолияти, солиқ ва мажбуриятлар, турмуш-тарзи, соғлиқни сақлаш, маъмурий, суд идоралари ва бошқа маълумотлар ёритилган.

Ҳисоботларда одатда хулоса ва таклифлар берилиб, ҳар бир бўлаётган воқеага нисбатан у ёки бу амалдорнинг шахсий фикрлари баён қилинган. Бу эса ҳисоботлар жиддий ва юқори малакали даражада тайёрланганлигидан далолат беради. К. Кауфман ҳисоботи энг мукамал ва мазмунли ҳужжат бўлиб, унинг фаолиятидаги барча даврни камраб олади. Ҳисоботдаги маълумотларга кўра, Кауфман мустамлакада ер солиқлари ислохотини ўтказишни лойиҳалаштирган.

Лойиҳанинг асосини солиқ солиш масаласи ташкил этган бўлса-да, айнан шу соҳада у қониқарсиз деб топилган. Комиссия фикрига кўра, ер солиқларининг оғирлиги аҳолининг энг кам таъминланган, яъни К.П.Кауфман лойиҳаси бўйича ерлари давлат

² Положение об управлении Туркестанского края, составленное по официальному изданию 1892 г., продолжением 1906, 1908, 1909 гг. узаконениям и распоряжениям правительства до 1 июня 1911 г. – Ташкент, 1912. – 112 с.; Сборник действующих обязательных постановлений Туркестанского генерал-губернатора для населения Туркестанского края и русского населения Бухарского ханства. – Ташкент, 1951. – 52 с.

³ Вирский М.М. Справочная книга и адрес-календарь Самаркандской области за 1895 – 1899 гг. – Самарканд, 1895-1899; Поляков Ф.В. Памятная книжка и адрес-календарь Семиреченской области на 1901 г. – Верный, 1901; Памятная книжка и адрес-календарь Семиреченской области на 1905 г. – Верный, 1905 ва б.

⁴ Мисол тариқасида: Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 гг. – СПб., 1885. – 503 с.

мулки деб топилган ва доимий фойдаланишга берилган аҳоли зиммасига тушар эди. Дехқонлардан маҳсулот ёки пул тарзида олинадиган солиқ миқдори лойиҳада 10 фоизни ташкил қилса ҳам, у ҳосилдан эмас, балки жами ернинг (хоҳ унга экин экилган бўлсин, хоҳ у шудгор қилиб қўйилган бўлсин) ялпи даромадидан олиними белгиланган эди. Аниқ солиқлар миқдори 10 фоиз эмас, балки 13,5 фоизни ташкил қилган. Бундан ташқари, Кауфман томонидан маъмурий бирликлар сифатида жорий қилинган волост ва уездлар тизими солиқларнинг тақсимланишида экин экиладиган ерларнинг ҳосилдорлик даражасини аниқлашга имкон бермас эди. Кауфман ҳисоботларидаги маълумотлар Туркистон империя ғазнаси учун фойдасиз ҳудуд бўлмаганлигини, ўлкадан олинаётган даромадлар минтақада амалга оширилаётган ҳарбий-сиёсий харажатларни ортиғи билан қоплаганлигидан гувоҳлик беради⁵.

Россияда XVIII асрданоқ давлат аппаратини назорат қилиш бўйича сенаторлик тафтиши ўтказиб келинган. Туркистонда ҳам шундай тафтишлардан икkitаси ўтказилган. Ф.К.Гирс⁶ ва К.К.Пален⁷ ларнинг сенаторлик тафтиши ҳисоботлари мустамлакачилик ҳукумати тизимининг 25 йиллик фаолиятини таҳлил қилиш учун бой маълумотлар бериб, шу билан бирга, Россия империяси бюрократиясининг юқори лавозимдаги амалдорларининг Туркистонни бошқарув масаласидаги ёндашувларига ойдинлик киритади.

Ф.К.Гирс томонидан ўтказилган тафтиш давомида Туркистоннинг иқтисодий ҳолати юзасидан бир қатор соҳалар билан боғлиқ режа ва муаммоли масалалар рўйхати тузилди. Булар қаторида ердан фойдаланиш, солиқ сиёсати, молиявий аҳвол, кредит тизими ҳолати, ирригация ва сувдан фойдаланиш каби масалалар кўтарилган. Ҳисоботда Туркистондаги давлат муассасаларининг харажат ва даромадлари тўғрисидаги статистик текширув натижалари ҳам берилиб, 1867-1881 йиллар бўйича империя томонидан мустамлака учун ажратилган бюджет камомади таҳлил қилинган. Жумладан, Ф.К.Гирс ҳисоботида бир неча маротаба ўлканинг 100 млн. рубл камомади таъкидланса-да, 1867-1881 йиллар мобайнида Ўрта Осиё хонликларини босиб олинмиш жараёнида империя армияси Туркистоннинг вилоят ва уездлари бўйлаб маҳаллий аҳоли уйларига жойлаштирилиши, аҳоли томонидан уларнинг яшаши учун ўтовларнинг тақдим қилиниши ва энг асосийси – озиқ-овқатлар билан таъминланиши, қўшинларнинг ҳаракатланиши учун йўлларнинг қурилиши ёки қайтадан таъмирланиши умуман тилга олинмайди. Бу оғирликларнинг барчаси ўлка халқининг зиммасида эди. Туркистон халқларига қарши амалга оширилган ҳарбий юришлар натижасида жуда кўплаб янги солиқлар жорий қилинди⁸.

⁵ Проект отчета К. П. Кауфмана. – СПб., 1885. – С. 370-399.

⁶ Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф. Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частях. Ч. I. Администрация. Управление краем; Ч. II. Суд. Финансы. – СПб., 1888. – 212 с.

⁷ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором, гофмейстером, графом К. К. Паленом. Вып. I-XVIII. – СПб., 1910. – 353 с.

⁸ Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф. Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению, в 2-х частях – Ч. I. Администрация. Управление краем; Ч. II. Суд. Финансы. – СПб. 1888. – 212 с.

Ф.К.Гирс раҳбарлигидаги тафтиш комиссияси аъзолари ер ишлари билан боғлиқ баҳс-мунозаралар келиб чиққан қишлоқларга бориб ва маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, ерга тегишли ҳужжатларни синчиклаб ўрганганлар. Ф.К.Гирсининг фикрига кўра, мусулмон ҳукмдорларига тегишли бўлган, Амир Темур ҳукмронлиги давридан бошлаб мавжуд бўлган ер қонунлари, вақф ҳужжатлари, диний мерослар билан боғлиқ қонун-қоидалар ҳамда ердан фойдаланиш тўғрисидаги халқ судлари қарорлари Туркистондаги ер тўғрисидаги янги қонунларни яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ф.К.Гирс ўлкада ҳукмронлик қилган Кауфман маъмурияти 14 йил мобайнида Қуръон ва шариат ҳукмларини таржима қилиб, ердан фойдаланиш ва солиқлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фақат юқоридаги маълумотлар билан чекланганликда айблади. Унинг фикрига қараганда, Кауфман маъмурияти мустамлакадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни синчковлик билан ўрганмаган.

Сенаторлар томонидан тўпланган маълумотлар орасида Туркистонда жорий қилинган солиқлар тизими тўғрисидаги ҳужжатлар тадқиқот учун янада қимматли манба ҳисобланади.

Ф.К.Гирс таъкидлаганидек, Кауфман империя ҳукумати учун адолатли ва фойдали солиқ тўловларини адолатсиз ва камомадли солиқ тизимлари билан алмаштирган. Унинг фикрича, Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори шариат қонунлари бўйича гуёки босқинчи “барча босиб олинган ерларнинг ҳукмдоридир” деган ақидага риоя қилиб, аҳоли томонидан фойдаланилаётган барча ерларга нисбатан давлат оброк солиғини жорий қилган. Амалда эса, доимий фойдаланиладиган ерлар билан боғлиқ операциялар хусусий мулкчилик ҳуқуқлари асосида бажарилиши керак эди. Россиянинг ўзида крестьян-қарамлик институтларининг ер тузилишига “умумий бошланғич” изоҳларини таклиф қилиши билан чекланган, холос.

Ер-солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисидаги якуний хулосалар “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги 1886 йилдаги Низом”да расмийлаштирилган. Ф. Гирс ва К. Пален ўлкани бошқариш бўйича мустамлака маъмурияти амалдорларининг саводхонлик даражасининг жуда пастлигини, бу тизимда порахўрлик авжига чиққанини эътироф этишга мажбур бўладилар. Бу билан уларнинг иккаласи ҳам ўша даврларда рус матбуоти томонидан эътироф этилган Туркистондаги амалдорлар хусусидаги “шарқий минтақаларни Европа цивилизациясига етакловчилар” деган шиорни шубҳа остида қолдирган эдилар.

Шундай қилиб, Россия империяси ҳукуматининг қонунчилик ҳужжатлари энг аввало Туркистонда империянинг мустамлакачилик мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг манбавийлик қиммати шундаки, уларда тадқиқ этилаётган даврга хос Туркистонни маъмурий бошқариш эволюцияси ва маҳаллий халқнинг ҳуқуқий ҳолатини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий маъмуриятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли хил қонунлар ва йўриқномалар тўплами, топшириқлар, мажбуриятлар, қарорлар чоп қилинган бўлиб, уларнинг барчаси ҳарбий, маъмурий ҳамда идоравий бошқарув усуллари сифатида ҳокимиятнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган.

REFERENCES

1. Djalilova S., Tursunboyeva L., Kazakhov R. ENGAGING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 386-395.
2. Tursunboyeva L., Djalilova S., Kazoqov R. ABOUT TEACHING SPEAKING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 376-385.
3. Kazoqov R. et al. MARKETING TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI SPORT TASHKILOTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOLLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 572-578.
4. Aripov Y. Y. et al. PROFESSIONAL SPORTNI BOSHQARISH MODELLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 597-587.
5. Jumayev U. X. et al. SPORT SOHASIDA MARKETING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 588-597.
6. Умаров Д. Х. и др. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES OF PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 455-462.
7. Керимов Ф. А. и др. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 463-470.
8. Kazoqov R. T. et al. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 911-918.
9. Жумаев У. Х., Казоков Р. Т., Жумаев М. Х. ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИС //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 789-796.
10. Казоков Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
11. Pulatova M. D., Kazoqov R. T., Sultanova N. K. SPORTCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 585-591.
12. Азимова У., Казоков Р., Холматов Б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 592-598.
13. Пулатова М. Н., Казоков Р. Т., Султанова Н. К. МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-138.
14. Чанкаев Ў. А., Казоков Р. Т., Султанова Н. К. ЁШЛАРДА ТАФАККУР ТАНҚИДЧАНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТОБЕЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.

15. Расулов А. Ғ., Казоқов Р. Т. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 544-551.
16. Cho'lliyev S. I., Yuldasheva K. A., Kazakov R. T. THE IMPORTANCE OF MODELING SPORTS FOR SCHOOL-AGE CHILDREN IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 598-901.
17. Казоқов Р. Т., Холбоева Д. Р. КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 90-97.
18. Каримов Б. З., Казоқов Р. Т. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 32-39.
19. Казоқов Р., Джўрабаев А., Бўриев Б. Ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин услубини такомиллаштириш //Sport ilmfanining dolzarb muammolari. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 54-56.
20. Каримов Х. А., Казоқов Р. Т. ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
21. Kazaqov R. T. et al. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 902-910.
22. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
23. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMECHANIK KO 'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
24. Buraimov I., Kazoqov R. ХОККЕЙЧИЛАР FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 49-56.
25. АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
26. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
27. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMECHANIK KO 'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.

28. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
29. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
30. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
31. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
32. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
33. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.
34. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
35. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
36. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
37. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
38. Казоқов Р. Т., Мирзабдиллаева А. И., Мирзабдиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЎНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
39. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.

40. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – T. 4. – №. 4. – С. 198-206.
41. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
42. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
43. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
44. Казоқов Р. Т., Жўрақўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
45. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
46. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPRATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 982-989.
47. Исмаилова М. Ш., Казоқов Р. Т., Абдуллаев И. И. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 131-138.
48. Джураева Х. Х., Файзиева Д. М., Казоқов Р. Т. ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА СПОРТИВНОЙ ЛЕКСИКИ С ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА РУССКИЙ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 215-222.
49. Allamurodov S. I. et al. О ‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO‘RSATKICHLARI BO‘YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 39-48.

50. Ярашев К. Д., Рашидов А. У. Теоретическое обоснование проблемы подготовки будущих специалистов к управленческой деятельности в сфере физической культуры и спорта //Fan-Sportga. – 2020. – №. 6. – С. 61-62.
51. Laughlin R. M. Mol cholobil k'op ta sozt'leb. – Centro de Investigaciones y Estudios Superiores en Antropología, 2007.
52. Yarashev K. D. et al. O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO'YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI. – 2024.
53. Ярашев К. Д. и др. ФУТБОЛДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАР, ТЕХНИК-ТАКТИК ХАРАКАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 330-343.
54. Умаров Қ. А., Казоқов Р. Т., Аббосова М. Қ. ЁШ БОКС БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР УЧУН УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 94-101.
55. Abdiyev B. S. et al. TABIIY FANLARNI O'QITISHNI YAXSHILASH ZAMON TALABIDIR //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 102-110.
56. Расулоа А. С. и др. БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРЛОВ БОСҚИЧИДА ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ КУЧ ҚОБИЛИЯТИ, ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ УСЛУБИЯТИ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 308-319.
57. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
58. Ярашев К. Д. и др. ИНТЕРНЕТДА МАЪЛУМ КИДИРУВ СЕРВЕРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 932-942.
59. Akbarov A. et al. TANLANMANING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTKALARINI XISOBLASH DASTURINI SHARTLI SXEMASI //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 12-23.
60. Юсупова З. Э. и др. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 24-35.
61. Eshtaev A. K. et al. YUQORI MALAKALI GIMNASTIKACHILARNI HALQADA BAJARILADIGAN (KREST, GORIZONTAL TURISH, QALDIRG 'OCH) ELEMENTLARINI O'RGATISHNING I-BOSQICHI //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 847-856.
62. Rasulov A. S., Kazoqov R. T., Quvondiqov J. I. 14-16 YOSHLI BELBOG'KURASHCHILARNI MUSOBAQA OLDI SIKLIDA MAXSUS TAYYORGARLIGINI OPTIMALLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 1650-1660.

63. Ayxodjayeva M. S., Kazoqov R. T., Djurabayev A. M. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIKASINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2025. – T. 4. – №. 4. – C. 1442-1450.
64. Yarashev K. D. et al. SPORTCHI TALABALARNING TABIIY-ILMIY FANLAR SAVODXONLIGINI BOYITISH //Modern Science and Research. – 2025. – T. 4. – №. 4. – C. 1433-1441.
65. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 11. – C. 271-279.
66. Allamurodov S. I. et al. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIK MAHORATINI OSHIRISHDA MASHQ USULLARINING ILMIY-ASOSIY YONDASHUVLARI //Modern Science and Research. – 2025. – T. 4. – №. 5. – C. 1232-1239.